

86-боб. Қул ўғирлик қилса



15:01 / 15.05.2020 2711

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Агар қул ўғирлик қилса, уни йигирма дирҳамга бўлса ҳам сотиб юбор», дедилар».

Шарҳ: Бунда қандай фойда бор? Фойда шуки, бир муҳитга ўрганган қул ўғирлик қилса, шу муҳитда юраверса, яна ўғирлик қилгиси келаверади, шунинг учун сотиб юборилса, бошқа жойга бориб, бошқа шароитга тушади. Ўғирлик қилгани учун жазолангани ёдида туради, ўғирлик қилишдан қайтади.

Бу буйруқ ҳам Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг бошқа барча буйруқлари каби ғоятда ҳикматли буйруқдир. «Уринглар, сўкинглар, қийнанглар, тамға босинглар», дейишлари ҳам мумкин эди. Лекин у зот

соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай жиноятни жазолаш эмас, балки муолажа қилиш йўлини – уни сотиб юбориш йўлини кўрсатдилар.

«Одоблар хазинаси» китобидан